ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 6 сентябрь № 35 (212) ● Сотувда нархи эркин

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллигини сирдарёликлар қўшалоқ байрам сифатида шоду хуррамлик билан нишонладилар. Вилоятнинг бешта шаҳрида умумий ҳажми 40.000 рақамга эга бўлган янги электрон АТС мажмуаси ишга туширилди. Шу муносабат билан Гулистон шаҳрида катта тантаналар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлигида вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов «ДЭУ-Телеком» фирмаси, Алоқа вазирлиги ва «Ўзбектелеком» концерни раҳбарларини қабул қилди.

Асосий тантаналар Гулистон шаҳар электралоқа корхонаси таркибида ишга туширилган электрон АТС биноси олдида бўлиб ўтди. Бу ерда меҳмонларни шаҳар меҳнаткашлари вакиллари гулдурос қарсаклар, карнай-сурнай наволари, нон ва туз билан кутиб олдилар. Тантанали митингдан сўнг лента қирқилди ва меҳмонлар кичик гуруҳларга бўлиниб АТС жиҳозларининг ишлашини кўздан кечирдилар. Вилоят электралоқа корхонасининг бош муҳандиси Соҳиб Умаров меҳмонларга «DTS-2000» деб номланувчи рақамли электрон АТСнинг афзалликлари ва ишлаш тамойиллари ҳақида сўзлаб берди.



Вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида бу тадбирга бағишланган мажлис бўлди. «ДЭУ-Телеком» компаниясининг Президенти жаноб Ю Ки Бэм, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг ўринбосари Абдувоҳид Жўрабоев, Сирдарё вилояти электралоқа корхонасининг бошлиғи Валерий Хам, Янгиер электралоқа корхонасининг бошлиғи Абдураҳмон Абдуҳамидов ва бошқа сўзга чиққанлар телекоммуникация соҳасида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик яхши самаралар бераётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов АТСни ишга туширишда жонбозлик кўрсатган хорижлик мутахассислар ва сирдарёлик алоқачиларга совғалар ва Фахрий ёрлиқлар топширди.

Сирдарёлик рус йигити Андрей Аникин ўзбек қўшиқларини астойдил ижро этиб, анжуман қатнашчиларини ҳушнуд этди.

Шодмон ОТАБЕК,
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

ТАЛАБАЛАР БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

Тошкент Алоқа коллежида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллиги ва 1-сентябрь билимлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Алоқа вазирлиги ва концернлардан меҳмонлар, шунингдек, алоқа соҳасида кўп йил хизмат қилиб нафақага чиққан меҳнат фахрийлари ҳамда талабалар қатнашди.

Байрам аввалида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи кўтарилди ва давлат мадҳияси ижро этилди. Шундан сўнг сўзга чиққан Алоқа коллежи директори С. Акбаров йиғилганларни қўшалоқ байрам билан табриклаб, коллеж ҳаёти тўғрисида гапирди. Меҳнат фахрийлари ҳам сўзга чиқишиб, талабаларнинг ўқиш ва ишларида омад тилашди. Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобидан коллежга 3 та компьютер ажратилганлиги талабаларнинг қувончига қувонч қўшди.

Анъанага кўра коллежнинг биринчи босқич талабаларига мазкур ўқув даргоҳининг рамзий калити топширилди.

Солиҳ ЗОИР

БРИФИНГ ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Сирдарё, Бухоро, Андижон вилоятларида Жанубий Кореянинг замонавий рақамли электрон АТСлари ишга туширилган эди. Шу муносабат билан Республика Алоқа вазирлигида бир қатор оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирокида брифинг бўлиб ўтди. Уни Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари А. Жўрабоев очиб, Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» фирмаси билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар тўғрисида сўзлаб берди. «ДЭУ-Телеком» компанияси Президенти жаноб Ю Ки Бэм сўзга чиқиб, мазкур станциялар қурилиши одатда 6 ой давом этишини, аммо ўзбек алоқачилари билан ҳамкорликда пайвандлаш ишлари қисқа фурсатда ниҳоясига етказилганлигини, бу ҳамкорлик келгусида ҳам давом эттирилишини айтиб ўтди.

Брифингда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Хабарлар ● Воқеалар

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан кўпгина хорижий давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов номига табрик телеграммалари йўллашди.

● Матбуотда «Н. М. Исмоиловни Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси этиб сайлаш» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Суди таркибига айрим ўзгартишлар киритиш», шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди айрим судьяларини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари эълон қилинди.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон» нашриёти Президент И. Каримовнинг 4 томлик асарлари тўпламини босмадан чиқарди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 1 сентябрдан Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги шарафига атаб 100 сўмлик икки хил юбилей тангасини чиқаради.

● Қирғизистон халқи миллий байрам — Мустақиллик кунининг 5 йиллигини кенг нишонлади.

● Россия федерал қўшинлари Грозныйдан тула-тўкис олиб чиқиб кетилди. Россия Хавфсизлик кенгашининг котиби Александр Лебедь билан чечен жангарилари қуролли бўлинмалари штабининг бошлиғи Аслан Масхадов ўртасидаги аҳдлашувга мувофиқ Чеченистон мақомини белгилаш 2001 йил 31 декабргача кечиктириладиган бўлди.

● Россия молия вазирлигининг мамлакат халқ таълими муассасаларидан қарзи 1 триллион 144,5 миллиард рублдан ошиб кетди. Кўп ойлар давомида маош ололмаётган ўқув юртларининг педагогик жамоалари иш ташладилар.

● Вьетнам халқи миллий байрам — Мустақиллик кунини нишонлади.

● Буюк Британия Гонконгда 150 йиллик мустамлака бошқарувидан сўнг бу ердан ўз қўшинларини олиб чиқиб кета бошлади. Келгуси йил 1 июлдан Гонконг Хитой тасарруфи остига ўтади.

● Ироқнинг БМТдаги доимий вакили Саид Ҳасан бир неча кун илгари мамлакат шимолидаги Ироқ Қурдистонига киритилган қўшинлар олиб чиқиб кетилишини расмий маълум қилди. Ана шу қўшин киритилиши муносабати билан кўп мамлакатлар норозилик билдирган, АҚШ эса Форс кўрфазидаги ҳарбий-денгиз кучларини тайёргарлик ҳолатига келтирган эди.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Биз Тошкент шаҳар Сайрам боши берк кўчасида истиқомат қилувчи нафақачилар шаҳримиздаги 27-почта алоқа бўлими почтачиси Замирахон Қосимованинг хизматидан беҳад миннатдормиз.

Мана, қарийб 10 йилдирки, жонқуяр почта ходими З. Қосимова сидқидилдан меҳнат қилиб, газета-журнал, хат-хабар ва нафақа пулларини биз нафақачиларга кечиктирмасдан етказади. Ҳар қандай шароитда у очиқ чеҳра билан мижозларга хизмат кўрсатади.

«Хабар» газетамиз орқали Замирахонга узоқ умр, соғлиқ, ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб

Сайрам боши берк кўчасида жойлашган 41, 49, 55-уйларда яшовчи нафақачилар номидан ЙЎЛДОШЕВ, МАЛЮКОВ ва ИЛҲОМОВлар оиласи

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ КАЛИТИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Мустақиллик байрамини Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишди. Мухбиримиз мазкур жамоада бўлиб, корхона раҳбари ДАВРОН ТОШАНОВ билан суҳбатлашди.

— Даврон Фарҳодович, Сиз раҳбарлик қилаётган жамоада Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантиришнинг 2010 йилгача мўлжалланган Миллий Дастури»ни бажариш борасида қандай ишлар олиб бориляпти?

— Республикамиз Мустақиллигининг 5 йиллиги байрам қилинадиган йилда жамоамиз улуғвор вазифаларни амалга оширишга бел боғлаган. Утган йили сезиларли ишлар амалга оширилди. Ғаллаорол, Бахмал, Пахтакор, Зафаробод туманлари электралоқа идораларида алоқа тармоқларини капитал таъмирлаш ишлари муваффақиятли бажарилди. Мижозларга хизмат кўрсатишда ҳам яхши натижаларга эришилди. Қарийб 10 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Миллий Дастур асосида вилоятдаги мавжуд алоқа тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қиляпмиз.

— Республика Алоқа вазирлигида олти ойлик иш якунлари бўйича ўтказилган ҳайъат йиғилишида сиз раҳбарлик қилаётган корхона хусусида илиқ гаплар айтилди.

— Очиғи, ҳали мақтанадиган иш қилганимиз йўқ. Аммо йил бошида белгилаб қўйган ишларимизни вақтида бажариб



қўйдик. Ярим йиллик якунида корхона бўйича 57181 минг сўмлик даромад қилдик. Шундан 4253 минг сўми соф фойдадир. Биз ишчиларга маошларни ҳам ўз вақтида бериб боряпмиз. Ҳар томонлама ижтимоий ёрдам чораларини кўряпмиз. Уқувчиларнинг ёзги таътил даврида корхонамизда ишловчиларнинг фарзандлари Зоминнинг хушҳаво сўлим гўшаларида жойлашган «Алоқачи» дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришди. Уларга йўлланмалар корхонамиз ҳисобидан бепул берилди.

— Сиз алоқа хизматининг ҳозирги даражасидан қониқасизми?

— Йўқ. Биз алоқа хизматини юксалтириш учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Ишлаганда ҳам ўз билганимизча эмас, хорижлик ҳамкорлар иш тажрибалари асосида иш юритишимиз лозим. Ўшанда биз аҳолига талаб даражасида хизмат кўрсатишимиз ва бу хизматимиздан қониқиш ҳосил қилишимиз мумкин.

— Хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қандай ишлар қилинмоқда?

СУҲБАТДОШИМИЗ — Даврон Фарҳодович ТОШАНОВ 1959 йили таваллуд топган. 1976 йили Жиззах туманидаги Ойбек номли 20-ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаган. 1981 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битириб, Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига ишга кирди. 1981-89 йиллар Жиззах тумани ва шаҳар алоқа бўлинмасида муҳандис, бош муҳандис, бўлинма бошлиги вазифаларида хизмат қилди. 1989 йилдан 1995 йилгача Жиззах шаҳар радио-телефон тармоғининг бошлиги бўлиб ишлади. 1995 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик қилмоқда.

— Ҳукуматимиз хорижий сармоядорлар билан ишлашимиз учун кенг имкониятларни яратиб бермоқда. Яқинда Вазирлар Маҳкамаси Республикамизнинг сўнг вилояти қатори бизга ҳам Индонезиянинг «Бакри групп» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузишга рухсат берди. Биз республика давлат мулк қўмитасининг розилигини олиш учун тегишли ҳужжатларни топширганмиз. Шунингдек, Олмониянинг «Сименс» фирмаси билан ҳамкорликда Франкфурт на Майне-Шанхай давлатлараро магистрал қурилишини жадал олиб боряпмиз. Ҳозиргача 45 километрли масофага шиша толали кабель ётқизилди. Транс-Осиё-Европа кабель магистралининг 113 километри бизнинг ҳудудимиздан ўтади. Биз бу зарбдор иншоотда яна 68 километрли иш бажаришимиз керак. Бу масъулиятли юмушни Вали Қобилов бошлиқ алоқа механизациялашган кўчма жамланма ишчилари амалга оширишяпти.

— Ҳайъат йиғилишида алоқа корхоналари томонидан кўрсатилган хизмат учун дебитор қарзлар йилнинг июль ойига қадар 1,3 миллиард сўмдан ошиб кетганлиги кескин танқид қилинди. Сизнинг корхонангизда аҳвол қандай?

— Бундай ҳол билан муроса қилиб бўлмайди. Айрим корхона ва ташкилотлар маблағлари йўқлиги сабабли алоқа хизмати учун қарзларини узолмаяптилар. Шунга кўра бир қатор мижозларнинг телефонларини ўчириб қўйишга мажбур бўляпмиз. Аммо юқори ташкилотларнинг аралашуви билан баъзи жойларнинг телефонларини узиб қўйиш имконияти бўлмаяпти. Бугунги кунга келиб корхонамиз бўйича дебиторлик қарзи 42790 минг сўмни ташкил этади. Зарбдор, Мирзачўл алоқа боғламаларида дебиторлик қарзлари ҳамон камаймаяпти.

— Кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш борасидаги тажрибалар қандай?

— Мен бу соҳада қарийб 16 йилдан буён ишлайман. Шунинг учун ҳам тармоқнинг пастбаланди, оғир-енгилини яхши биламан. Халқимизда бир гап бор: «Чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин». Ҳар қандай ишни ўз эгасининг қўлига топшириш керак. Тўғри, бир вақтлар ошна-оғайничилик авж олиб, қўлидан келган-келмаган шахслар ҳам масъулиятли лавозимларини эгаллаб келишди. Корхонага бир йилдан буён раҳбарлик қилаётган бўлсам, бундай номутаносибликка қарши кескин иш олиб боряпман. Бир қатор участкаларни, туманларни ўз эгаларининг қўлларига топширдик. Улар асосан ёшлар бўлиб, ўз касбига меҳр қўйган фидойилардир. Корхонадаги ҳар бир раҳбар давлат аттестациясидан ўтказилиб, сараланди.

— Келгусидаги режалар хусусида тўхталсангиз?

— Биринчи вазифа — аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатишни давр талаби даражасига кўтариш бўлса, иккинчиси — мижозлар сонини ошириш. Ҳозир бизда телефон тушириш учун илгаридек ойлаб, йиллаб навбат кутиш ҳоллари йўқ! Мижоз бугун талабнома берса, узоғи билан бир ҳафтадан сўнг хонадонида телефон жарангини эшитиши мумкин. Яна бир муҳим янгилик — биз яқин кунларда «Спутник» тижорат телестудиямизни ишга туширмоқчимиз. У орқали вилоятимиз ҳаёти, асосан вилоят электралоқа тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, меҳнат жамоаларида эришилаётган меҳнат ютуқлари ҳақида кўрсатувлар берилади. Биз бу телестудия орқали корхона ҳисобига қўшимча 50 минг сўм маблағ туширишни режалаштиряпмиз.

Бозор иқтисодиети шароитидан келиб чиқаётган муаммоларни эса ўз кучимиз билан ҳал қилиш чора-тадбирларини кўраяпмиз ва бунга эришаяпмиз ҳам.

А. ЖУРАЕВ
суҳбатлашди

ОЛҚИШ ОЛАЁТГАН ҚИЗ

Ҳар гал Саодат ҳақида гап борар экан, беихтиёр халқимизнинг «Олтин олма, олқиш ол» деган ҳикматли сўзларини эслайман. Дарҳақиқат, бу қиз хушмуомалалиги, ширинсўханлиги билан одамларнинг иззат-ҳурматини қозонган.

... Қишнинг аёз-изғиринли куни эди. У нафақаларни тарқатиб юриб, намозгар бўлганини пайқамай қолди. Бирдан Паҳлавон Маҳмуд кўчасида елгиз яшовчи Салима онанинг илтимоси ёдига тушди.

— Қизим, эртага нафақа пулини тарқатадиган бўлсанг, бозорга кириб, яхши гуручдан бир-икки кило келтириб бер. Ўзим борай десам шу аёзда кўчада қолиб кетаманми деб қўрқаман.

Саодат бир зум ўйланиб қолди: нима қилса экан? Уйига ҳам кеч қоляпти. Бола-чақа... Кечки овқат дегандай. Лекин онанинг илтижоси Саодатнинг кўз олдидан кетмасди. У бозор томон йўл олди...

— Умринг узоқ бўлсин, қизим, — муштипар онанинг кўзлари намланди, —бола-чақаларингнинг бахтини кўргин! Қани, ўтир қизим...

Саодат газета-журналларга обуна тўплаш даврида ҳар бир нашрнинг ҳақиқий тарғиботчисига айланди. Кишиларнинг ёшига, қизиқишларига қараб иш тутади.

Саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беряпти. У хизмат қилаётган 11-бўлим ҳудудидаги Паҳлавон Маҳмуд, Нєкрасов, Наримонов кўчаларида обуначилар сони йилдан-йилга ошяпти.

... Вақт чоштоҳга яқинлашган. Хат-хабарлар, газета-журналлар ва нафақа пулларини сумкасига жойлаган Саодат Абдуллаева почтамт биносидау чиқиб эл хизматига йўл олди. Унга «оқ йўл!» тиладик.

Ҳ. ФАТХУЛЛАЕВ,
Урганч шаҳри, почтамт ходими

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ

Президент кубоги учун теннис бўйича халқаро мусобақаларга бағишлаб «Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази янги марка, тамға ва почта карточкасини нашрдан чиқарди. Мазкур маркада Президент кубоги тасвирланган, марка ва почта карточкасида эса «Ўзбекистон Республикаси теннис бўйича Президент Кубоги мусобақалари» деб ёзилган.



Почта маркаси, тамға ва карточкадаги безакларни ёш мусаввир М. Меҳмонов чизган.

Барча алоқа ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлар ҳамда Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилиб нафақага чиққан меҳнат фахрийлари

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида дастлабки телефон станцияси қурилганига 90 йил бўлди. Шу муносабат билан

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ ТАРИХИ МУЗЕЙИни

очиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарияти барча алоқа ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлар, меҳнат фахрийларига мурожаат қилиб, ўз хотиралари, фотосуратлари, алоқа тарихига оид турли нарса-буюм ва ҳужжатлари билан бўлажак музейга ёрдам кўрсатишларини сўрайди.

Бу муҳим ва хайрли ишда фаол иштирокингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги телефон орқали жавоб олишингиз мумкин:

54-17-86

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси

БЎЛҒУСИ АЛОҚАЧИЛАР

Юртимизда ягона бўлган Тошкент Алоқа коллежида етук алоқачи мутахассислар тайёрланади. Бу йил мазкур ўқув даргоҳида ҳам талабалар тест синовлари асосида қабул қилинди. Мухбиримиз Тошкент Алоқа коллежи тест имтиҳон комиссиясининг масъул котиб ўринбосари Марат ИКРОМОВ билан суҳбатлашди.

— Алоқа коллежига талабалар қабул қилиш режага мувофиқ амалга оширилдими?

— 1996-97 ўқув йили учун Тошкент Алоқа коллежининг кундузги ва сиртқи бўлимига 465 талаба қабул қилиш режалаштирилган эди. Бу режа тўла амалга оширилди. Аммо талабаликка талабгор йигит-қизларнинг сони 3 баравар кўп бўлди. Айниқса, «Автоматик электралоқа», «Иқтисодиёт ва режалаштириш» ихтисосликларига бир ўринга 4,5 абитуриент тўғри келди. Иқтисодий қийинчиликлар ва йўл харажатлари ҳисобга олиниб, Фарғона ва Бухоро шаҳарларида коллеж имтиҳон комиссиясининг сайёр гуруҳи фаолият кўрсатди. Сайёр гуруҳ томонидан 50 нафар абитуриент талабаликка ўтказилди.

— Тест синовларининг натижалари қандай бўлди?

— 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 600 нафар йигит-қиз тест синовларида иштирок этдилар, шулардан 315 киши юқори балл олиб, коллеж талабаси бўлди. Тест синовларини ўтказишда ошкораликка амал қилиниб, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар. Шундай қилиб 165 киши кундузги бўлим, 150 киши сиртқи бўлим талабаси бўлди.

— Тест синовларини ўтказишда имтиҳон комиссияси қандай ташкилий ишларни амалга оширди?

— Очигини айтиш керак, бу йил имтиҳон комиссияси ниҳоятда уюшқоқлик билан ишлади. Тест синовлари ва жавоблари кўргазма тахтасига осиб қўйилди, ҳужжатларни қабул қилишда ҳеч қандай сансалорликка изн берилмади. Талабалар билан консультациялар, яккамаякка суҳбатлар мунтазам уюштириб борилди. Узоқ жойлардан келган йигит-қизлар етоқхоналар билан таъминланди. Абитуриентларни гуруҳлаш, имтиҳон ва тест натижалари ўз вақтида билдирилиб борилди.


Суҳбатдош Ғ. ҒАФУРОВ

ҚУТЛАЙМИЗ!

Хурматли Валентина Васильевна КОНОВАЛЬЦЕВА!

Сизни қутлуғ **60** ёшингиз билан самимий муборакбод этиб, сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-тотувлик тилаймиз.

Фарғона давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси



АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

УММОНГА ТЕНГ ЎН КУН

Яқинда Сурхондарё вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бош муҳандиси Шавкат ЁҚУБОВ амалий сафар билан Индонезия мамлакатида бўлиб қайтди. Жамоатчи мухбиримиз Нортожи ЗИЁЕВ у билан ана шу сафар таассуротлари хусусида суҳбатлашди.

— Шавкат ака, дастлаб Индонезияга сафардан кўзланган мақсад ҳақида фикр юритсак?

— Марҳамат. Биласизми, мамлакатимиз мустақил бўлгач, уни бутун дунё танимоқда, хорижликлар билан ҳамкорлигимиз ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Илгари саёҳатлар уюштирилган бўлиши мумкин. Аммо амалий сафар билан чет элларга бориш ва у ердан сармоядорларни топиш ҳақида умуман гап бўлмаган. Энди эса дунё «эшиги» очилди. Биз ҳам имкониятдан фойдаланиб, Индонезия мамлакатига бордик. Мақсад — вилоятимизда телефонлаштириш ва телекоммуникациялар қуришни ўз ичига олган кенг ижтимоий дастурни тезроқ амалга ошириш учун ҳамкорлар топишдан иборат эди.

Айтиш мумкинки, яхши ниятлар йўлида дастлабки қадамлар ташланди. Биз Индонезия мамлакатидаги Бакрий коммунейкейшен корпорейшин фирмаси билан қўшма корхона очиш масаласида бир битимга келдик, яъни улар сармоя берадиган бўлишди. Шундай қилиб тармоқни янгидан режалаштириш ва бизнес тармоқни такомиллаштириш масалалари хусусида атрофлича келишиб олинди. Ҳозир ҳужжатлар тахт қилинган. Адлия вазирлиги тасдиқласа мақсадимизнинг рўёбга чиқиши турган гап.

— Индонезияликлар билан ҳамкорлик изга тушиб кетгач, телефон абонентлари қандай имкониятларга эга бўлишлари мумкин?

— Биз «Бакрий» фирмасида бўлиб, у ердаги ишлардан қаноат ҳосил қилдик. Нега десангиз, телефон хизмати ниҳоятда содда, ихчам йўлга қўйилганлиги кўлами кенглиги билан кишини мамнун этади. Биз Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг бош муҳандислари «Узбектелеком» концерни раисининг биринчи ўринбосари Эргаш Аллаев ҳамроҳлигида бу хизматни кузатар эканмиз, беихтиёр ҳамкорлигимиз истиқболли бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Бизни ҳайратга солган АРТС тизими яқин вақт ичида юртдошларимизга катта имкониятлар беради. Асл Ватани Америка бўлган бу тизим орқали хонадонларга радиотелефонлар ўрнатилади. Шундан сўнг мижозлар марказдаги гаплашув бўғинлари ёрдамисиз истаган манзилларига чиқа оладилар. Биз ишни даставвал қишлоқдан бошлашни ният қилдик, яъни бу жойлардаги 20 минг 400 абонентли АТСлар АРТС билан алмаштирилади.

— Демак, Индонезияга амалий сафарларингиз натижаси мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек хайрли ишга хизмат қилади десак, адашмаймиз?!

— Албатта, шундай бўлади.

— Шавкат ака бизни бошқа кузатишларингиздан ҳам баҳраманд этсангиз?

— Бажонидил. Индонезия ер юзидаги бой мамлакатлардан бири саналади. Биз бу бойликнинг сабаби маънавий гўзалликда деб билдик. Чунки қаерга бормайлик доим қулиб турадиган, сипо одамларга рўбарў келдик. Улар истасак-истамасак «Ассалому алайкум» деб саломлашарди. Аҳолисининг 98 фоизи мусулмонлардан иборат бўлган Индонезия мамлакатида қадам сайин обод мачитларга дуч келдик. Бу юртда намозхон одамлар кўп бўлгани учун ҳам спиртли ичимлик мутлақо истеъмол қилинмас экан.

Бали оролида бўлганимда Ватанимиздаги Қоратепа, Фаёзтепа ёдгорликлари кўз ўнгимда гавдаланди. Индонезиялик мусулмонлар кичик-кичик хонадонларда яшайдилар, аммо кўнгиллари кенг. Уларнинг кўпчилиги ўз хонадонларида кичик корхоналар очиб олишган.

Яна бир характерли нарса шуки, Индонезияда йил бўйи қиш бўлмайди. Иссиқ иқлим туфайли биргина шолидан уч мартагача ҳосил олинади. Шунинг учун ҳам мамлакатда гуруч арзон экан.

Биз амалий сафаримиз давомида Ҳинд океани бўйида бўлдик. Оқшом чоғи тўлқинлар оғушидаги сув қирғоққа урилиб, салқин шабада эсиб туради. Эрталаб эса муъжиза олдида лол қолдик. Океан сатҳи биздан чамаси 2-3 километр узоқлашиб кетган эди. Барибир унинг уммони тасаввуримизда ўчмас из қолдирди. Ун кунда амалга оширган ишларимиз ва кўрган-кечирганимиз мазмунида ўша уммонга ўхшаш рамзий маънони сезгандай бўлдик...

ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАР САРИ...

Телевидение ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Ҳозир фақатгина пойтахтда эмас, балки вилоятларнинг туман ва шаҳарларида ҳам маҳаллий телестудиялар фаолият кўрсатмоқда. Мана шундай телестудиялардан бири Учқудуқ шаҳридаги «Орион» телестудиясидир.

Мазкур телестудия 1994 йилнинг 19 апрелида ўз фаолиятини бошлади. Шу кунга қадар тижорат телевидениеси сифатида иш юритган студия сўнгги икки йил ичида шаҳарликларни ҳар хил реклама ва видеофильмлар билан беозор қилиб юборганди. Энди нафақат номини, балки кўрсатувлар мазмунини ҳам тубдан ўзгартиришга тўғри келди. Учқудуқдаги Шимолий кон бошқармаси телестудия ижодкорларининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бир йил давомида керакли жиҳозлар-видеокамералар, мониторлар, видеомагнитофонлар ва компьютер харид қилинди. Мана шу компьютер ёрдамида бадиий сифати жиҳатидан таниқли телекомпаниялар маҳсулотларидан кам бўлмаган, «заставка»лар тайёрланмоқда. Бундан икки йил олдин биттагина «Сони» видеокамерасида иш бошлаган студия бугун учқудуқликларнинг оғирини енгил қилмоқда. Студияни маблағ билан Шимолий кон бошқармаси таъминламоқда. Ахборотлар тўплашда жамоатчи мухбирлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Владимир Новоселов раҳбарлик қилаётган «Орион» телестудияси таҳририяти яқинда қувончли хабар олди. Тошкентда 18 та телестудияни бириктириш тўғрисида ҳужжат тайёрланаётган экан. Шулар орасида «Орион» студияси ҳам бор. Студияларнинг бирлашмаси тузилса, катта имкониятлар очилади: ахборотлар, кўрсатувлар, бадиий ва ҳужжатли фильмларни ўзаро алмашиш енгиллашади ва лицензиялаштирилган киновидеомаҳсулотларни олиш ҳуқуқига эга бўлиш мумкин. Бир сўз билан айтганда бу кўрсатувлар мазмунини бойитиш ҳамда мавзулар доирасини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда «Орион» телестудиясида Татьяна Олейник, Лариса Перевозкина каби журналистлар ва телеоператорлардан Игорь Муслимов, Дмитрий Черкасовлар тайёрлаган кўрсатувларни кўпчилик қизиқиш билан томоша қилишяпти. Бир-бирига ўхшамайдиган ҳамда такрорламайдиган кўрсатув ва янги ахборотлар билан «ойнаи жаҳон» орқали ҳар бир хонадонга кириб боришни телестудия жамоаси ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ана шу эзгу мақсад жамоани янги изланишлар сари чорлаётир.

Қ. САТТОРОВ,
Навоий вилояти



Тошкентдаги Чилонзор телефон алоқаси боғламасида маҳаллий компьютер тармоғига уланган автоматлаштирилган тузатиш бюроси (АТБ) ташкил этилди. Абонентларнинг барча имкониятлари ҳамда абонент ҳақидаги АТС билиши лозим бўлган маълумотлар ЭҲМ хотирасида сақланади.

СУРАТДА: АТБ оператор-телефончилари Лариса КИМ, Зулфия ҲАКИМОВА, Наташа АФАНАСЬЕВА ва Валентина ГЛУХОВАлар иш устида.

Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

КЎРГАЗМАЛИ АНЖУМАН

Фарғона вилояти давлат почта алоқа корхонаси кейинги пайтларда иш сифатини ошириш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида туманларда кўргазмали анжуманларни ташкил қилмоқда. Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Учқўприк тумани почта алоқаси боғламасида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, туман ҳокими Акрамжон Йўлбарсов очди. Сўнгра вилоят давлат почта алоқа корхонасининг бошлиги Нўъмонжон Каримов тадбир иштирокчиларига вилоятда почта хизматини яхшилаш, хизмат маданиятини ошириш ҳамда хизмат турларини кўпайтириш борасидаги ишлар тўғрисида гапириб берди. Шунингдек, тарбирда Яйпан, Қува, Янгиқўрғон, Учқўприк тумани почта алоқа боғламалари раҳбарлари — Й. Маматов, Ҳ. Имомов, Ў.Эгамназаров, М. Каттабековлар ўз корхоналаридаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

Анжуман иштирокчилари Машод, Гул, Полохон, Масольск, Навбаҳор, Қоракўл ва Саркўрғон алоқа бўлимларида бўлишиб, ўзаро иш тажрибаларини ўрганишди.

Р. ҚАМБАРОВ,
«Ҳабар» газетасининг жамоатчи мухбири

РАҚАМЛИ АТСНИ АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИГА ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Республикамиз мустақилликка эришгач, Алоқа вазирлигининг саъй-ҳаракатлари туфайли Фарғона ва Сирдарё вилоятларида, Тошкент шаҳрида рақамли АТСлар ишга туширилиб, мижозларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Аммо улар ҳозирча электромеханик АТСлардан қиммат турганлиги туфайли кўпгина алоқа ташкилотлари учун муаммо бўлиб турибди. Шунинг учун рақамли АТСларни жорий қилиш самарадорлигини техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида бошқача талқин ва услуб керак деган фикрдамиз.

Рақамли АТСларни шаҳар телефон тармоқларига жорий қилишнинг техникавий нуқтаи назардан афзалликлари мутахассислар ва олимлар томонидан ҳар томонлама исботланган. Аммо шу жараённинг иқтисодий жиҳатлари аниқ ҳисоб-китобларга асосланмаган. Агар масалани шаҳар телефон тармоқларининг ҳозирги таркибий тузилиши асосида таҳлил қилсак, унда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Агар «Ср» ҳарфи билан рақамли АТС коммутацияловчи қурилмасининг ҳисобланган нархини белгиласак ва шу АТСнинг сотиб олинган нархини Сп деб белгиласак, у ҳолда Ср>Сп тенгсизлик вужудга келганда рақамли АТСни ўрнатиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлади. Ундан ташқари, кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рақамли АТСни ишлаб турган электромеханик АТСлар билан алоқани ташкил қилишда станцияларни боғловчи физикавий линияларни (русча — физические межстанционные соединительные линии) ва шу рақамли АТСда ИКМ тизимининг комплектларини ишлатишдан воз кечиш керак экан. Чунки бу ускуналар Ср>Сп тенгсизликни сақлашга халақит беради. Энг самарали ИКМ комплектларини станцияларни боғлашда биринчи тўқнаш келган узлуксиз АТС ёнига жойлаштириш бўлиб чиқди. Хулоса шуки, рақамли АТСларни электромеханик АТСлар билан боғлашда фақат рақамли станцияли линияларни (русча — цифровые межстанционные соединительные линии) қўллаш зарур.


Маълумки, рақамли АТСларни коммутанцияловчи ускуналари электромеханик АТСларга қараганда анча кам стативлардан иборат. Шунинг учун ҳам, рақамли АТСларнинг қурилиш-монтаж ишларига кетадиган харажат сезиларли даражада камдир. Бу эса, Ср>Сп тенгсизликни сақлаб туришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан хулоса шуки, вазирлигимиздаги тегишли алоқа ташкилотлари биргалашиб, рақамли АТСларни жорий қилишда техник-иқтисодий кўрсаткичларни йўриқнома тарзида тайёрласалар, буюртмачиларга ҳам, алоқачиларга зарур қўлланма бўлар эди.

С. СИДДИҚОВ

ISDN АФЗАЛЛИКЛАРИ

Сарлавҳада кўрсатилган аббревиатура ISDN (Integrated Servicec Digital Network) ўзбек тилида «Интеграл хизмат кўрсатувчи рақамли тармоқ» деган маънони англатади. ISDN тармоғининг оддий телефон тармоқларидан фарқи шуки, у фақат рақамли сигналлар оқимини коммутациялайди. Ушбу тармоқда узлуксиз-рақамли алмаштиришлар тўғридан-тўғри телефон аппаратида (ISDN — терминалда) амалга ошириладиган хизмат кўрсата олмайдиган рақамли АТСларда махсус илмак (петля) пайдо бўлади (1-б-расм). У ҳолда уланиш жараёни қуйидаги чизма орқали ташкил қилинади. А-абонент-станция — 1-Б абоненти. Агар ISDN тармоғи бўлса, илмак олиниб ташланади ва уланиш қуйидаги чизма орқали ташкил қилинади: А-абонент-станция 1-Б абоненти (1-в-расм).



Шу мисолдан кўриниб турибдики, ISDN тармоғининг алоқа каналларида қўлланиши ҳамма станцияларни тармоқда битта катта станция тарзида ишлашини таъминлайди. Бундай имконият мижозларга кўпгина қулайликлар яратиб беради.

ISDN тармоғининг яна бир асосий хусусияти — жуда тезлик билан уланишни (ҳар бир коммутация тармоғида сигналларни ушланиш вақти 30 миллисекунддан ошмайди) таъминлашдир. Амалда эса тармоқ бўйича ушланиш вақти 0,2 секундни ташкил қилади.

Ж. ТАЖЕНОВ,
Тошкент электротехника Алоқа институтининг муҳандиси

● *Жаҳоннинг етакчи телекоммуникация фирмалари*

HEWLETT PACKAPD (ХЬЮЛЕТТ ПАККАРД) АҚШ

Американинг мазкур телекоммуникация фирмаси дунёга ўзининг компьютер маҳсулотлари ва энг самарали ўлчов асбоблари билан машҳур. Компаниянинг йиллик даромади 13 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. HEWLETT PACKAPD фирмаси асосан алоқа тармоқлари учун компьютер ёрдамида бошқариладиган ўлчов асбоб-ускуналари ишлаб чиқаради. Шунингдек, ушбу фирма шиша толали ва радиотармоқлардаги хатоликларни ҳам аниқлайдиган ўлчов асбоблари, телекоммуникация саноати учун ягона андозага айланган ЮНИКС туридаги компьютер тизимларини етказиб берадиган энг илғор компаниялардан биридир.

IBM (АЙ-БИ-ЭМ) АҚШ

Ушбу фирма нафақат компьютер маҳсулотлари, балки замонавий алоқа жиҳозлари билан ҳам жаҳоннинг етакчи телекоммуникация компаниялари ўртасида ўзининг муносиб ўрнига эга. Компания дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўз бўлимларини очган. Мазкур фирманинг биргина Лондондаги бўлимининг йиллик фойдаси 10 миллиард долларни ташкил қилади. Ҳозирги пайтда ушбу бўлимнинг 12 минг нафар ходими дунёнинг турли бурчакларида фаол хизмат қилишмоқда. Улар компаниянинг Ла Годе (Франция), Хесли (Буюк Британия), Рэйли (Шимолий Каролина, АҚШ), Рим (Италия) каби шаҳарларда тажрибахоналарида юқори сифатли алоқа техникалари тайёрлаш борасида изланишлар олиб боришаётир.

IBM дастлаб кичик ҳажмдаги АТС ва кўчма узатиш тизимлари учун алоқа маҳсулотлари ишлаб чиқарар эди. Айни пайтда компания ўз диққат-эътиборини алоқа тармоқларини компьютер орқали бошқариш, сифатли алоқа хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган алоқа техникаларини ишлаб чиқаришга қаратган.

AT&T (ЭЙ-ТИ-энд-ТИ) АҚШ

Сеҳрли диёр Американинг энг йирик AT&T компанияси Александр Белл томонидан телефон ихтиро қилингандан сўнг ташкил этилди. Компаниянинг Белл номидаги дунёга машҳур тажрибахонаси бор. Бу ерда деярли ҳар куни ўртача битта ихтиро қайд қилинади. Тажрибахонада нафақат телефон, балки дастлабки электрон компьютер, илк транзистор ва лазер ҳамда алоқа йўлдоши кабилар яратилган. Шу боис ҳам тажрибахонанинг етти нафар олими Нобель мукофотига сазовор бўлишди. Ҳозирги кунда мазкур фирмада 320 минг киши хизмат қилади, 1992 йили компаниянинг йиллик даромади 65 миллиард долларни ташкил этди.

AT&T фирмаси сувости кабели ва алоқа йўлдоши ёрдамида АҚШни дунёнинг 273 мамлакати билан боғлайди, унинг Бутунжаҳон Интеллектуаль Тармоғида бир кунда қарийб 140 миллионта телефон чақириғи қайд қилинган. Компания бундан роппа-роса 12 йил олдин 5ESS туркумидаги рақамли АТСларни ишлаб чиқара бошлади. Жаҳонга мукаммал ихтиролар қилиб донг таратган японлар бу АТСни энг замонавий рақамли станция деб баҳолашди. AT&Tнинг 1984 йилгача таркибий тизимида фаолият кўрсатган — Белл Опейрейтинг Компаниз, Саузвестерн, Белл Телефон, Пасифик Телесиз Юс Вест Интернейшенел, Америтек, Белл Атлантик, Белл Сауз, Нинекс каби фирмалари ҳозир мустақил ҳолда алоқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва алоқа хизмати кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

US SPRINT (Ю-ЭС СПРИНТ) АҚШ

АҚШнинг Канзас-сити штатида жойлашган US SPRINT компанияси жаҳондаги энг йирик шиша толали, рақамли алоқа тармоғига хўжайинлик қилади. Унинг йиллик даромади 1990 йили қарийб 2 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, ўша вақтда фирманинг 16 минг нафар хизматчиси бор эди. Ҳозирги пайтда бу компания ўз фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириб, мижозларга тўғридан-тўғри 183 та мамлакат билан боғланадиган телефон каналларини таклиф қилмоқда. Фирманинг 30 та мамлакатга хизмат қиладиган видео-конференц алоқа тизими ҳамда 350 минг мижозга мўлжалланган электрон ахборот узатиш тармоғи мавжуд.

Шу билан бирга US SPRINT компанияси Атлантика ва Тинч океани орқали ўтган жуда катта миқдордаги сув ости шиша толали кабель линиясига ҳам эгалик қилади.

MOTOROLA (МОТОРОЛА) АҚШ

Кўчма алоқа жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича илк қалдирғочлардан бўлган MOTOROLA телекоммуникация соҳасидаги ўз фаолиятини бир неча йўналишларда олиб боради. Бунга ер устки кўчма алоқа жиҳозлари, пейжинг, ёнда олиб юриладиган телефонлар, ҳукумат алоқасини мукаммал таъминлайдиган алоқа ускуналарини ишлаб чиқариш каби йўналишлар киради. Мазкур фирма кўчма алоқа воситалари тайёрлашда асосий етакчиликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли ҳам у биринчилардан бўлиб Иридиум номли фазовий технологияда қўлланадиган кўчма алоқа тизимини яратишга интилмоқда. MOTOROLA бу ихтирога қадар дастлабки ёнда олиб юриладиган уяли телефон ва қўл соати кўринишида бўлган радиопейжерни яратиб, фойдаланишга тавсия этган эди.

Шунингдек, АҚШнинг **ДИГИТАЛЬ ЭКВИПМЕНТ КОРП, UNISIS (ЮНИСИС), MCI (ЭМ-СИ-АЙ)** каби компаниялари борки, улар жаҳон телекоммуникация тизимида муҳим мавқега эга.


Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади

● *АЛОҚА МАТБУОТ КЎЗГУСИДА*

ШИКОЯТЧИЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН

Италия давлатининг пойтахти Римда маиший ва бошқа хизмат турларидан норозилар учун махсус телефон жорий қилинган. Бу қадимий шаҳарнинг аҳолиси мазкур телефон орқали жамоат транспорти, дорихона, болалар боғчаси каби муассасаларнинг қонунсиз ишлари тўғрисида тегишли идораларга қўнғироқ қилиб, ўз норозиликларини билдиришлари мумкин. Шунингдек, электр қуввати, сув, газ ҳақи учун нотўғри тўлдирилган ҳисоб-китоб варақалари устидан шикоят қилиш, кўчакўйларнинг мунтазам тозаланмаслиги, қабристондаги ночор аҳвол тўғрисида хабарлар етказиш имконияти бор. Телефон ҳафтанинг беш кунида беш соатдан ишлайди.

«Алоқачи ҳамроҳи» ва «Спутник связиста» саҳифаларига С. СИДДИҚОВ ва Т. ЛУТФУЛЛАЕВлар масъулдирлар.



СПУТНИК СВЯЗИСТА

ОСУЩЕСТВЛЯЕТСЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА

В соответствии с Национальной программой реконструкции и развития телекоммуникационных сетей Республики Узбекистан на период до 2010 года, утвержденной Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1 августа 1995 года решением Хокима Ташкентской области утверждена «Программа реконструкции и развития телекоммуникационной сети по Ташкентской области на период до 2010 года.»

Программой предусмотрено:

— произвести реконструкцию и развитие с переводом на цифровые системы передачи и коммутации до 2000 года сотни междугородных каналов; на период до 2010 года —более тысячи цифровых каналов;

— емкость коммутационного оборудования будет увеличена на 253,1 тыс. номеров и достигнет к 2010 году 479,0 тыс. номеров на цифровом оборудовании;

— привязка к 1-ой очереди Транс-Азия-Европа (ТАЕ) — ВОЛС и организация линейных трактов и цифровых каналов на города и районные центры Ташкентской области (Янгиюль, Гульбахор, Чиназ, Аккурган). Для этих целей проектом ТАЕ-ВОЛС предусмотрено выделение для Ташкентской области одного стекловолокна и так называемой «петли» в Янгиюле и Чиназе для выделения оптических трактов и стыковки с внутриобластными ВОЛС.

В 1996 году по контракту с Южно-Корейской фирмой «ДЭУ-Телеком» в Ташкентской области будет введено 450 тыс. номеров АТС на цифровом оборудовании. В связи с этим в 7-ми городах и районных центрах области (Ангрен, Янгиюль, Бекабад, Гульбахор, Паркент, Аккурган) в настоящее время силами инженерно-технических работников ведутся большие работы по реконструкции линейно-кабельных сооружений, в соответствии с техническими требованиями на цифровые АТС и рекомендациями МККТТ.

Полностью монтаж оборудования, тренировка и настройка будет производиться силами инженерно-технических работников Ташкентского ОГППЭ при техническом руководстве фирмы «ДЭУ-Телеком». В целях повышения технического уровня подготовки специалисты из узлов электросвязи районов и ТОГППЭ проходят обучение и стажировку у специалистов фирмы «ДЭУ-Телеком».

Все 45. тыс. номеров намечено ввести в декабре 1996 года.

С.НИНУА,
общественный корреспондент

УЗБЕКИСТАН РАСШИРЯЕТ СВЯЗИ

Узбекистан продолжает расширять спутниковые связи со странами дальнего зарубежья, обеспечивая жителям республики и ее гостям высокое качества связи с любой точкой мира.

В последнее время была открыта линия спутниковой связи Узбекистан-Израиль, соединившая два государства через российский спутник «Стационар». Для достижения этой цели была построена соединительная линия на базе цифровой радиорелейной линии между Ташкентской международной коммутационной станцией и станцией спутниковой связи . Цифровая радиорелейная линия связи была спроектирована и построена силами Ташкентского Центра международной электросвязи, а современное цифровое оборудование производства фирм «Сименс» (ФРГ) и «Харис» «Фаринон» (Канада) было поставлено израильской компанией Безек. Установка и монтаж оборудования произведен совместно со специалистами из Израиля. Линия связи Узбекистан-Израиль позволяет организовать десятки каналов. Несмотря на то, что в настоящий момент задействовано несколько каналов, в связи с возрастающей нагрузкой в ближайшее время планируется их увеличение . Кроме того, предполагается использование свободных каналов для организации транзита на США в интересах американской компании «Спринт». Обслуживание линии связи осуществляется высококвалифицированным персоналом цехов NEAX-61, NEC и «Азимут» Ташкентского Центра международной электросвязи.

Организация прямых спутниковых линий связи по сравнению с предоставлением транзита через третьи страны обеспечивает высокую благоприятную почву для дальнейшего развития внешнеэкономических связей Узбекистана.

М.МАТУС,
Начальник ПТО

ЭВОЛЮЦИЯ ТЕЛЕФОНИИ

Первоначально все телефонные станции являлись аналоговыми, объединяемыми друг с другом с помощью аналоговых соединительных линий. Так было с момента изобретения телефона до 50-х годов. Схематично это показано на рис. 1а.

